



КОРХОНАЛАР ЙИРИКЛАШТИРИЛСИН, ИХТИСОСЛАШТИРИЛСИН!

ЯНГИ МАРРАЛАРНИ КЎЗЛАБ

ОЛИМЛАР ЛАБОРАТОРИЯСИДА

Қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини оширишда фан ютуқлари ва илгор тажрибаларнинг ролни каттадир. Шу туфайли Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ғошмиликлар генетикаси ва физиология институтининг олимлари ҳам ҳосилдорликни ошириш устида самарали тадқиқотлар олиб боришаётган. Илмий муассасанинг дефолиация ва диссикация физиологияси лабораторияси ходимлари ҳам бу ишда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишаётган.

Ҳозир лаборатория илмий ҳаёти 8 та муҳим проблема устида тадқиқотлар олиб бораётган. Бир гуруҳпа илмий ходимлар препаратларнинг ўсимликларга таъсир қилишининг механизмини ўрганмоқдалар. Препаратларнинг яхши дефолиант бўлиши учун улар таъсирда барг таркибидagi сувлар аста-секин камайиб бориши, фотосинтез ва нафас олиш процессларининг сусайиши, барг таркибидagi юқори молекулали органик бирикмаларнинг бирин-кетин парчаланиши лозим. Шунингдек, баргларнинг тўқиллишига тўқиллик қиладиган моддаларнинг камайиши ҳамда уларга қарама-қарши бўлган модда-этининг баргда тўпланиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу муаммони ҳал қилишда СССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси Ю. Рақитин лабораториямиз олимлари билан ҳамкорликда иш олиб бораётган. Тадқиқотнинг дастлабки натижалари сифатида янги препаратлар ҳосил қилинди. Бу препаратлар ўсимликни сепиландан сўнг баргда ўтиб ўздан этидин моддасини акратади, ҳамда қисқа муддат ичида гўза баргини тўқиради. Препаратларнинг синновдан ўтказиш давом эттирилмоқда.

Лабораториямизда дефолиантлар таъсирида ўсимликлар тана-сидига оғиқа моддаларни ҳаракатландириш қонуниятлари ҳам аниқлашга ўрганилмоқда. Дефолиантлар таъсирида баргдаги фосфор моддаси шу баргда яқин бўлган

қўсақларга оқиб тушиб ҳосилнинг пишишини тезлаштиради. Бу проблема билан олим З. Рогова ҳамда илмий ходим К. Азимов ўртоқлар яқиндан шуғулланишаётган.

Лаборатория ходимлари, шунингдек юқори эффект берувчи дефолиантларнинг бир неча хилни топшига ҳам муваффақ бўдилар. Бу препаратлар ўсимликларга тезда таъсир этиб, қисқа муддат ичида барглари гўза тўтиради. Шуниси қувончлики, шу йил препаратлар «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозида муваффақиятли синая кўрилди. Келгуси йилда эса бу хил препаратлар пахта далаларида кенг қўлланилади.

Пахта таласида целлюлоза моддасининг синтез бўлишини ўрганиш бундан кейинги илмий тадқиқотлар учун кенг истиқболлар очиб беради.

А. ИМОМАЛИЕВ,
Ўсимликлар генетикаси ва физиология институтининг дефолиация ва диссикация физиологияси лабораториясининг мудири.



„ШАРҚ“ ФИРМАСИ

К. ИМОМБЕРДИЕВ,
Тошкентдаги „Шарқ“
мебель фирмасининг
директори

Бу ташаббусни даставвал Львовликлар бошлаб берди-лар. Львов иқтисодий районида бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналар йириклаштирилиб, дастлабки совет фирмалари пайдо бўла бошлади. Кейинчалик Латвия, Москва области, Иркутск ва бошқа иқтисодий районларда ҳам айрим фирмалар бунёдга келди.

Бу ташаббусни ҳар қанча қўллаб-қувватласа арзи й д. Чунки бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхона-ларни бириктириш катта иқтисодий фойда келтиради: тех-нологик асбоб-ускуналар да и

сослаштиришга маълум дара-жада тўқиллик қилиб келар-ди, ички резервлардан, мала-кали кадрлардан тўғри фойда-ланиш имкониятини бермас эди.

Фирма ана шу қийинчилик-ларни бартаф қилиш учун кенг истиқбол очиб беради. Энг муҳими, ишлаб чиқаришга раҳбарлик қилган, планлашти-риш аниқ, бириктирилган ўзар деганларидек тартиқ кучлар бир ерга тўпланиб, катта ишга қилишга қодир бўлиб қолади. Ички имкониятлар ва асбоб-ускуналардан унумли фойда-ланиш ҳисобига меҳнат уну-мдорлиги ошадди ва маҳсулот сифати яхшиланиб, таннархи камайдди.

Тошкентдаги „Шарқ“ фир-маларининг ҳаммаси ҳам илгари бир хилда ишламас эди. Ай-ниқса сўнгги пайларда хари-дорлар 3 ва 4-фабрикаларнинг сифатсиз маҳсулот ишлаб чи-қаришга қаршилик қилиб, кў-пайинчилик билан ишдан таш-килот қилинганлигини назарда тутиб қарор қилиб қўйдилар.

Иш бошлаганимизга кўп вақт эмас: атиги бир ой бўлди. Бироқ кимил ишонч билан ай-тиш мумкинки, бу янгилик катта ҳаётга, янашга йўлан-га олди! Ишнинг даст-лабки бир ойлик натижалари шундан далолат бериб туриб-ди.

Юқорида номи айтиб ўтил-ган корхоналарнинг деярлик ҳар қайсисидан ишлаб чиқари-лаётган мебеллар тури 10—15 га етар эди. Бошқача қилиб айтганда 5 фабриканинг ҳар

Турли типдаги ишлаб чи-қариш бириктирилган тур-зи истиқболга эга бўлган, иқтисодий жиҳатдан мақ-садга мувофиқ иш деса бў-лади.

Н. С. ХРУШЧЕВ.

бирида стол, стул, сервант-буфет, юмшоқ мебель, кўчир-чоқ, шпфоньер, шкаф ва бошқа мебеллар ишлаб чиқарилаве-ради. Бу ҳол корхоналарни ярим кустар ҳолда саклар, ян-ги асбоб-ускуналарни тезлик билан жорий қилиш ва ишти-

қилиш билан ўрганилаётгани ҳақида хат-хабарлар босиб турибди. Мама, шунлардан бири. Унда Юқори Чи-рчиқ районидagi «Ш Интернацион-нолхоз» партия ташкилотининг сек-ретари ўртоқ Ж. Ақилбеков Пленум қарорлари артефъ азоларининг куч-чиға-куч, таърифи-га-гайрат қўшиб юборганлиги ҳақида ҳикоя қилади. Колхозчилар об-ҳаро қийинчиликлари енгил 1100 гектар ернинг ҳар гектаридан 28 центнердан «оқ ол-тин» кўтаришган. Далада ҳўсан юлш, ҳосилдан бўшқан ерларни шудгорлаш кучайтириб, юборилган.

Мен миталь билан соналган 24 станокни бошқарман. Уларни динилил маршут бўйича айлан-диз ўтаман. Бу айланши узинган толами улаш, танда иллари ва газламадаги баъзи бир содир бўлган носозликларни кузатиш ишларига бағишладим. Мен до-мо олдинга қараб ҳаракат қила-ман. Натижада бошқарилган қара-ганда менда танда иллари ва газ-ламага эътибор билан қараш ҳамда тўхтаб юрган дастгоҳлар-ни юргизиш учун вақт етарли бўлади. Ана шунинг учун ҳам ойлнк нормани 107 процентга ет-казиб банармонданман. Махсулот-нинг барчасини биринчи сорта топширишга муваффақ бўлаётиман.

Утган йили мен нормадагидан ташқари 3178 метр газлама ишла-ш чикарганман. Бу йил ҳам ана шу одатини нанда қилман план-дан ташқари махсулот топшириш учун астойдил ишлаётиман.

Комбинат газетаси икки республи-на тўқувчиларининг хатлари билан ўз ўқувчиларини таништириб яхши иш қилган.

Тўқилландик

Аҳил коллективимиз КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми қароридан руҳланиб шу кунларда меҳнат вахтасида туриб ишлайпди. Бу йил 77 гектар майдонда деҳқончилик қилдик. План бўйича ҳар гектар ердан 20,5 центнердан ҳосил кўтаришимиз керак эди. Лекин биз йил бошидан ҳар гектар ердан 25 центнердан ошириб «оқ олтин» олишимиз 93 олдимица бирдан бир мақсад қилиб кўйдик. Ана шу мақсад йилда азамат деҳқонларимиз жон куйдириб меҳнат қилдик. Тех-никанинг надрига етдик. Барча май-дондаги гўзаларга юксак агротехника қондалари асбиди икки томон-лама ишлов бердик. Сугоришни на-мунали ўтказиш сувиҳларимизнинг диққат марказида турди. Деҳқонла-римиз кўрсатган фидоориликлар ча-ки натижа бермади. Пайкаларимиз-да мўлжалдагидан ҳам кўпроқ ҳосил тўпланди. Пахтакорларимиз ганимат-фурсатларнинг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланиб, йилнинг те-римини тобора маддалаштириб берди-лар. Ғалвир сувдан кўтаришганда пахтакорларимиз кувончларини ич-ларига сийдириб қолдилар. Нега де-ганда ҳар гектар майдондан план-дагидан анча кўп — 26 центнердан «оқ олтин» йигиб, териб олинган эди.

Шу кунларда ҳам йилнинг теримини бўшатишаётимиз. Далада қолган ҳосилнинг сўнги граммича йиғиш-тириб олиш учун натиқ ҳаракат қилмоқдамиз.

Умир ҲАСАНОВА,
Урта Чирчиқ районидagi «XXII партсъезд» колхозининг брига-дири.

ЁЛГИЗ ОТНИНГ ЧАНГИ ЧИҚМАС...

Партия ва ҳукуматимиз қишлоқ хўжалигини, хусусан пахта-чиликни комплекс механизациялаш тўғрисида тинмай гаммуллик қилмоқда. Сўнгги йилларда сер-меҳнат талаб қиладиган иш — пахта етиштириш механизацияси зиммасига юклаш соҳасида бир-мунча ишлар қилинди. Лекин ош-қў эътироф этиб ўтиш керакки, бу соҳадagi ишларимиз ҳали қони-қарали эмас. Пахта етиштириш, айниқса ун териб олиш жараё-нининг асосий қисми машиналар билан эмас, деҳқонларимизнинг билан кучи билан бажарилмоқда.

КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми қарорига ва ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг Пленумда қилган докладыда бу соҳадagi камчилик ва муносорларимиз ат-рофлига очиб ташлаш ва муҳим тадбирлар белгиладик. Чундан ҳам илмий-тадқиқот ва лоийҳа-лаш-конструкторлик ташкилотла-рининг тарқоқлиги машиналар яратиш ҳамда технология бир-босилари ишлаб чиқишда про-цессларнинг илмий ишларнинг так-ворлаши олиб келаётган. Буни айниқса ҳозирги кунда Тошкент-да пахта териш машиналарини яратиш юзасидан иш олиб бора-ётган ижодий ташкилотлар мисо-лида яққол кўриш мумкин.

Шу неча-кундузда тур ташки-лот: давлат махсус конструктор-лик бюроси, «Ташсельмаш» за-води, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг механика инсти-тутини, Урта Осиё қишлоқ хўжали-гини механизациялаш ва электр-лаштириш илмий-текшириш ин-ститутини (САИМЭ) пахта териш техникасини яратиш юзасидан конструкторлик ишлари олиб бо-рмоқдалар. Ҳўш, ана шу ташки-лотлар пахтакорларимизнинг оги-рини енгил қилиш учун нима иш қилдилар, қисқаси, сўнгги пайтда қандай машина яратди-лар?

Давлат махсус конструкторлик бюроси 1959—1962 йиллар мо-байнида 21 номда пахта, кўрак терадиган ва бошқа хил машина-лар конструкциясини яратди ҳам-да синновдан ўтказди. Шунлардан 6 таси, жумладан «ХВС-1,2» пахта териш машинаси, «СКО — 4» кўрак териш агрегати, модер-низация қилинган «УПХ—1,5Б» кўрак чувиш аппарати ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари бор. Шу машиналарнинг ишлаб чиқари-шига жорий қилиниши туфайли ҳар йили 7 миллион сўмдан зиёд иқтисодий фойда кўрилади. Бу йил конструкторлик бюроси дав-лат синови учун 11 нуسخа пахта териш ва икки нуسخа кўрак те-риш машиналарини тақдим этди.

Ўзбекистон ССР Фанлар ака-демиясининг механика институтини конструкторлик бюроси ҳам параллель суратда пахта териш машиналари конструкцияларини ишлаб чиқиш билан шуғуллан-моқда. Шу сабабли институт хо-димлари ўзларининг асосий ва-зифалари— пахта териш машина-лари узелларининг назарияси ва параметрлари бўйича ҳанузгача биронта илмий-текшириш масала-сини ҳал этмадилар.

«Ташсельмаш» заводида ҳам шу ҳолин кўрамиз. Завод кон-структорларининг энг асосий ва-зифаси оммавий суратда ишлаб

КОНСТРУКТОРЛИК ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ТАРҚОҚЛИГИГА БАРҲАМ БЕРИЛСИН

чиқарилаётган машиналар кон-струкциясини такомиллаштириш ва сифатини яхшилашга қарати-лиш керак. Бироқ, улар бирин-чи даражали вазибаларга чап бериб «ўз» машиналарини ихти-ро қилмоқдалар. Маълумки, бу-ндай катта ишга амалга ошириш учун кўп куч ва бой тажриба зар-ур. Завод конструкторлик бюроси ҳанузгача бирор дуруст маши-на яратмаганининг босиси ҳам шунда.

САИМЭ ходимлари ҳам ўз куч ва имкониятларини ҳисобга ол-маган ҳолда янги машина ихтиро қилишга берилиб кетиб, илмий-текшириш ишларини бир чеккага йиғиштириб қўйдилар. Ваҳоланки бу институт машиналарни ишла-тиш назарияси билан шуғуллана-лиши лозим эди. Институт хо-димлари «6ХВТ» маркали пневмомеханик машина яратди-лар. Лекин бу машина 1962 йил синовида ишонччи оқлама-ди. Ундан кутилган мақсад те-риш пайтида пахтанинг ерга ту-риши даражасини камайтиришни инборат эди. Синов шуни кўрсат-дики, иш пайтида «ХВС—1,2» машинаси қанча пахта тўқган бў-лса, «6ХВТ» агрегати ҳам шу-нча пахта тўқди. Шундай ҳол-да қанчалар-қанча назариялар, куч, маблар, вақт кўтилган сам-ега бермади. Институт хо-димла-ри бу масалани эксперименталь ўстановқа обдон ўрганишлари, сўнг машина конструкциясини яратишга киришишлари лозим эди.

Шундай қилиб ихтирочиллик ва конструкторлик соҳасидagi параллеллик пахтачиликни ком-плекс механизациялаш масаласи-ни тезроқ ҳал қилишга маълум даражада ров бўлапти.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев Пленум-даги докладыда «қанчадан-қанча илмий ходимлар, конструкторлик бюросиларнинг ходимлари бир тур-даги қишлоқ хўжалик машина-ларининг конструкциясини ярати-тиш билан шуғулланапти! қанча-дан-қанча одамлар ишлаб чиқари-шининг ҳар хил тармоқлари учун станок ускуналарининг лоий-ҳаларини ишлаб чиқиш билан па-раллель равишда шуғулланапти! Параллель равишда ишлаб келаёт-ган унлаб ва юзлаб конструктор-лик муассасалари ҳамма ишни нақ бўлмаса бутунлай бошқатдан бошлашга ҳаракат қилмоқдалар», — деб ҳақли равишда та-ниқ қилиб ўтди. Шу кучларни мақсадга мувофиқ равишда би-рлаштирилса ва ҳақ хўжалигининг муайян бир тармоғи устида коллектив бўлиб иш қилинса, ян-ги-янги техникани вужудга кел-тириш вазифасини тезроқ ҳал қилиш мумкин бўлади, давлат-нинг қанчадан-қанча маблар те-жислади, вақтдан ютатиб, фан ва техниканинг сўнгги муваффақият-лари ишлаб чиқаришга жорий қилинади.

Шу нуқта-назардан қараганда пахта териш машиналари яратиш юзасидан иш олиб бораётган конструкторлик ташкилотла-рининг тарқоқлигига барҳам бериш, ижодий кучларни бир ерга тў-плаб олдимица турган муҳим ва-зифаларни тезроқ ҳал этишга сафарбар этсак, мақсадга муво-

фиқ бўларди. Ахир, халқимиз-нинг «Елгиз отнинг чанги чиқ-мас, чанги чиқсада доғи чиқ-мас» деган доғи мақоли бор. Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар деганларидек, катта фоллен-тик кучининг афзалликлари ҳа-қида ортиқча сўзлаб ўтирмайс-қа бўлади. Ҳа, бирлашган тоғи талқон қилади!

Бизнинг фикримизча, юқорида номлари қайд қилиб ўтилган ташкилотларнинг ижодий кучини пахта териш бўйича давлат мах-сус конструкторлик бюроси атро-фида тўплаш керак. Сабаби бу ерда лоийҳалаш конструкторлик ишларини маддалаштириб юбо-риш учун барча имкониятлар мавжуд.

Ҳа, бирлашмиш, марказлашти-риш керак. Давр шуни тақозо қил-моқда. Партия шунга ўртамоқда.

В. ТЮТЬКОВ,
махсус конструкторлик бю-росининг бош инжениери.

Т. МИРХОДИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» нинг махсус муҳбири.



ГАЗЕТАЛАРНИ ВАРАҲЛАГАНДА...

АЙНИ МУДДАО

«Янгийул» газетаси Янгийул тер-риториал-ишлаб чиқариш бошқар-масига қарашли колхоз ва совхоз-ларда КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми қарорлари эфр қи-

— Китоб билан дўст бў-лган ким бор!— дейди «Уз-гана» газетасининг ихтисослашти-рилган харф териш фабрика-сининг литописини Мамакун Мамакун. — Шу китобларни дунёга келишига ҳисса қўша-ётганимиздан фархлланаман.

Мамакун моҳир литописчи. У кўплик топширини 130 — 140 процентдан бажаради. Су-ратда: ўртоқ М. Мамакун.

А. Тўраев фотолари.

ДЕКАБРЬ ОЙИ ҲИСОБИГА

Тошкент магистралнинг темир-йўнчилари ўнбир ойлик топши-ридан ташқари унлаб эшелон жулатдилар. Илгор коллектив КПСС Марказий Комитетнинг Пленуми қарорларига жавобан меҳнат вахтасида туриб, ўн бир ойлик юк ортмиш планини муда-тидан илгари бажарди. Оғир юк-ли поездаларни ҳайдовчилар ҳам бу муваффақиятга ўз ҳиссалари-ни қўшдилар. Улар пландан таш-қари етти миллион тоннадан ор-тиқ юк ташидилар. (ЎзТАГ).

ВАТАН ШАРАФИ ЙЎЛИДА

ОҲАНГАРОН, (ЎзТАГ). КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумининг тарихий қарорлари 9-шахта қончили-нининг куч-гайратини янада ошириб юборди. Шахтёрлар кейинги кунларда пландан ташқари икки эшелон ёқилги бердилар.

Кўмир қазувчилар бригадири **Бойлар Алиев** бундай деди: «Халқ хўжалигига партия раҳбарлигининг қайта қурилиши жуда тўғри ва ўз вақтида йўтказилаётган тадбирлар. Бу та-дбир коммунизмнинг моддий-техника базасини жуда қисқа муддат ичида яратишга ёрдам беради».

Ўзбекистон қочқаркасининг меҳнаткашлари пленум материалларини эътибор, билан ўрганмоқдалар.

ДЎСТЛАР МАРТУВИ

Янгида Тошкентдаги тўқимачилик комбинатининг махшур тўқувчиси Садди Пулатовага Чехослования республикасиндан бир хат келди. Уни йил шахридаги ишга таласида газлама таъйирлайдиган «Вертекс» ва-водининг ичичси Милена Маркова ёзибди. У ўз мактубида тошкентли тўқувчидан нидаги таърибаларини ёзиб юборишини сўраган. Садди-хон бу илтимоси эфр хурсандчилик билан назуқ қилди. «Тўқимачилар овози» газетасида ўртоқ Пулатова-нинг жавоби ёзди қилинган. Жум-ладан хатда қуйидаги сўзларни ўқий-миз:

Мен миталь билан соналган 24 станокни бошқарман. Уларни динилил маршут бўйича айлан-диз ўтаман. Бу айланши узинган толами улаш, танда иллари ва газламадаги баъзи бир содир бўлган носозликларни кузатиш ишларига бағишладим. Мен до-мо олдинга қараб ҳаракат қила-ман. Натижада бошқарилган қара-ганда менда танда иллари ва газ-ламага эътибор билан қараш ҳамда тўхтаб юрган дастгоҳлар-ни юргизиш учун вақт етарли бўлади. Ана шунинг учун ҳам ойлнк нормани 107 процентга ет-казиб банармонданман. Махсулот-нинг барчасини биринчи сорта топширишга муваффақ бўлаётиман.

Утган йили мен нормадагидан ташқари 3178 метр газлама ишла-ш чикарганман. Бу йил ҳам ана шу одатини нанда қилман план-дан ташқари махсулот топшириш учун астойдил ишлаётиман.

Комбинат газетаси икки республи-на тўқувчиларининг хатлари билан ўз ўқувчиларини таништириб яхши иш қилган.

Яшнар ўлкам наҳори
улкан пахта тоғидан,
Балқир қуёш рўхсори
Ватаним байроғидан,
Водилар, чаманзорлар
тўқар ҳосилга ҳосил,
Хуш хабар келар юртини
яқину йироғидан,
Жаранглаб шўх қўшиқлар,
эркимизни улуғлар,
Кулиб боқар юлдузлар
ғўзалар чаногидан.
Чехралар табассумдан,
ёшлиқдан шуъла сочар,
Севинч қайнаб тошди
қалбларнинг қирғоғидан,
Ассалом, эй меҳнаткаш,
ижодкор доно халқим,
Ундирдинг чекис бойлик
Она-юрт тупроғидан,
Мардона қадамидан
манзиллар яқин тортар,
Бахт еллари эсмоқда
коммунизм боғидан!

Н. ЕҚУБОВ. КИЧИК АРЗАНДА

Қуёш уфққа бош қўйгану,
лекин хайрлашув бўсаига инти-
зор ошқандай, минг рағиб либос-
даги фуюнкор даладан қўз узоқ-
даги, чўгдек ёниб, довуллаб тау-
рибди.

Анҳор ёқалаб айиқ юриш қил-
иб келатган Маждид Муқомов
ғарб осмонидagi пода-пода қиз-
ғиш булутларни олованг турки-
ман гиламларига ўхшатибди. Қани,
шулардан бирини анҳор бўйига
ташлаб, барча майда гапларни
унтиб, қўнғилга яқин чор ул-
фатинг билан отамлашсанг, бу-
нинг лаззатига ним етсин, деб
ўйларди у. Думоғига келиб урил-
ган хушбўй ҳиддан қабили бў-
линди. Бундай қараса, яшил па-
лақлар қўнғилда олтин ҳандалар
толваниб ётибди. Ингит у ёқ
бу ёққа аланглади-да, полнига
шўнғиди. У чини қосадек ола-
тун ҳандалани қўнғиллаб то-
тагига келди.

Чордона кўриб, ўраниб ўти-
риб олди-да, хандаланик пичоқ
тортиди. Қўли атрофда тириттон
булғайган асаларини пичоқ да-
стаси билан сувга уриб тушириб,
хандаланик еяболоди.

Бир вақт Маждид кулони тепа-
сида полни қоронғули Фаёз ота-
нинг овозини эшитиб, бошини кў-
тарди:

— Маждидов, колхоз бедар-
воми? — деди ота босиқлик
билан, — хандалак егингиз кел-
ган экан, бундоқ чайлага боринг,
қўлим билан сўйиб берай.

Маждид бўзариб, тўнғиллади:
— Колхоз ўзимизники. Ишлаг-
андан сўнг еяди-да, киши.
Отанинг зардаси қайнади? Бир-
роқ оғирроқ сўз айтишдан ўзини
туйди:

— Ғўлим, мен тартиб бўлсин,
дейман-да. Тартибда барақа кўп.
Яна шунки, ҳамма ўз ишини пеш
қилганда ҳам сен гапирма. Чунки
қадди-қоматингга яраша иш
қилаётганинг йўқ.

— Нима қилиб берай сизлар-
га! — Маждид ўрнидан туриб,
хандалак пичоқларини сувга ири-
тди. — Ҳаммагиз юзига қад-
ди-қоматини пеш қилиб қол-
дингиз. Ёмгирдан қутилиб, қорға
тутулдим, шекилли.

Фаёз ота хандон ташлаб кел-
ди:
— Ёмгири ким-у, қори ким?
— Анаву бошқарма инструк-
торини айтаяман.

— Очилловими? Нима деди у
сенга?

— Жуда майда гап одам экан.
Райондан келган вакилларнинг
қўлини кўрганми. Вакилнинг
ўғил боласи раис билан гапла-
шиб, планни кўриб палон тургани
ёб йўлига равона бўлади. Бу ки-
ши далама дала пиеда незиб, қў-
лингни, фермадаги товурларга
санаб юрибди...

— Хўш, санаса нима бўпти? —
деди Фаёз ота кудимсираб. — Яна
нималар деди?

— Ферма ишқамаслар ўчоғи
бўлиб қолганмиш. Унинг шатла-
рини қисқартириш керакмиш.
Ўнта сут соғувчи ўрнида икки ки-
ши ишласа бўлармиш. Фермада
табелчининг кераги йўқ экан. Сиз
далага чиқинг, тракторчибоп
қадди-қоматингиз бор экан деди.
Менга. Табелчинлик менга яраш-
майдиган касб эмас! Қуллик ака,
дедим унга. Ичинда аравангин
торт, бу ернинг хўжайини —
раис. Кудратлига тоғам омон
экан. Янани Маждиднинг ранги со-
мон бўлмайди, дедим.

— Маждидов, раис сизнинг
рангини сомон қилмаску, лекин
сиз унинг рангини сомон қил-
иб қўймасангиз деб кўрчман...

ДУСТАЛИГИМИЗ МУСТАҲКАМ

Туркманистонда ўзбек адаби-
яти денгасини тугади. Декада қа-
тиашчилари республика шаҳарла-
ри ва қишлоқлари бўйлаб катта
сафар қилдилар, нефчилик, ку-
рувчилик, химиклар, пахтакорлар,
чорадорлар, ўқувчилар билан
урашдилар.

Туркманистон университетига
бўлиб ўтган деканнинг ақулоза-
чи кечаси қардош абадийлар ва
халлар дўстлиги байрамига ай-
ланиб кетди. Кечаси Туркманис-
тон ёзувчилар союзи раисининг
раиси Бекни Сейтақов очиб.
Декадада яқин есади, меҳмонлар
га яқин ижодий муваффақиятлар
талади. Ўзбек ёзувчилари Турк-
манистондан олган унутиммас та-
ассуротлари ҳақида гапирдилар.
Туркманистонга, халқлар дўстли-
гига, тинчликка бағишланган асар-
ларини ўзиб бердилар, (ТАСС).

Адабиёт саҳифаси

ФИДОЙИНГМАН


Шафақнинг сочини тарди қуёш
Уфқдан сўнгги бор қаради қуёш,
Борлиқдан нурини кўтарди аста
Уфқлар из очди қизил атласда.
Барглар тун елида силкинди

қанот,
Соқини тун қўйинга чўқар
қонот,
Ой соқини тарайди ноз билан
судда
Бутун эл уқлайди, борлиқ
осула.
Фақат мен уйғоқман,
Кўзда ой уйғоқ.

Кўзимга илашмас бу хира
мудроқ,
Кўларим чарақлар тонг
юлдуздай,
Мен учун атрофим нақ
қундуздай
Соқчман,
Халқимдек голиб юраман,
Халқим тинчлигини олиб
юраман!
Заррин сочларини тарди қуёш
Чўққилардан пастга қаради
қуёш,
Барглар нур қўйинда тебраниди
аста
Сулув тонг кўсига бўлиб
ғулдаста,
Қушлар қанот қонди тонгин
олқинлаб,
Уфқ шафақ ёди тонгин
олқинлаб,
Тонгин олқинлади яқин-
йироқлар,
Тонгин олқинлади сойлар,
Ўтлоқлар,
Дўшпа юзларини қўшга тутиб,
Олқинга лаб очди олтин
чаноқлар,
Ватаним тонгининг хусинга
ошиқ,
Чаманда кушлар ҳам қуйларкан
қўшнқ,
Куйларкан жилғалар аклиб,
Сайри бог этаркан уйғониб сабо,
Шудринг эмар экан қирда
чечаклар,
Ширин туш кўраркан ҳали
ғўданлар,
Барглар тонг елида силкиркан
қанот.
Уйғонмоқ бўларкан юртимда
ҳаёт.

Фақат мен уйғоқман,
Кўзда кун уйғоқ,
Кўзимга илашмас у хира
мудроқ,
Кўларим чарақлар қуёш
сингари
Кўшдан танамга меҳр сингади
Соқчман,
Халқимдек голиб юраман,
Халқим тинчлигини олиб
юраман.
Ҳамроҳларини қуёш ва осмон
қизни,
Уйғоқман,
Уйғоқман кеча-кундузи!

САИЕР.



ФЕЛЬЕТОН ЎЗИ «7» ИШИ «2»

Виставга массиви кун сайин кенгайиб обод бўляпти Ленин
бу массивга қатнайдиган 7-трамвай ва 8-троллейбус хизматининг
масаси йўқ. Бу маршрутда доим хунобарчиллик. Кишилар кўп
вақтларини трамвай ёки троллейбус кутиб ўтказишда. Бу ҳа-
да матбуот саҳифаларида бир неча марта ёзилган бўлса ҳам,
трест раҳбарлари ҳамон юзруқ айтишдан нарига ўтмайдилар.
Бу хатга жаъми 130 киши имзо ченган.

Бир трамвай бор эрур,
Бор бўлса ҳам йўқ эрур,
Танқиддан тузалмасдан —
Доим кўзи аўқ эрур.

Бу еттинчи трамвай,
Юрар, юриб ёлчизмас,
Кўпчилигининг азини —
Йиллар бўйи эшитмас.

«Етти»га тушман деб
Уйинга етолмайсан,
Умид болғайсан унга,
Кутасан, кетолмайсан.

Ўзи «етти» бўлса ҳам
Элга хизмат «2».
Бунга «етти» деб асти
Кўйилган экан чакки.

Трамвайнинг шериги
Бор эрур троллейбус,
Халқ бунинг ҳам ишига —
Доим дер: «афеус-афеус».

Келса, келар иккови,
Гош, йўқолар бедарк,
Бирга келиб қолингиз
Югиршар жоисарк.

Шу алфозда иккови
Пойгага тушар — узар,
Тўхташ жойда йўловчи —
На чиқар-у на тушар.

Виставга кўчасида
Трамвай, троллейбус —
Ана шундай аҳволда,
Ездик биз арна — сўз.

Арзимиз 5 та «Т»:га
Тошкентда Троллейбус
Трамвай Трестига
Бошлиғи Турсуновга,

Турсуновнинг устига,
Етса-ю, наъзуз бўлса,
Трамвайлар дўстига,
Арнавага кўз қўйган
Йўловчилар беҳисоб...

Ездим шеърини арнаб —
Колмасиз деб бежавоб.
Пўлат МҒМИН.

Курант занг уради,
нишга чорлайди.
Курант бонг уради,
ҳаёт қайнайди.
Шаҳарга файз бериб
ва бурқаб кўркан,
Савлат тўкиб турар,
бўй чўзиб кўккан.
А. Абалля фотозюди.

ЮРАКДАГИ ТЕМИР

ВОРОНЕЖ, 28 ноябрь.
(ТАСС мухбири). Петр Попов
Воронеж область касалхонаси-
нинг кўрақ хирургияси бўли-
мига келиб, кўрақни оғирла-
ганлигини ва тинкаси қурган-
лигини айтиб шикоят қилди.
1942 йилда соддат Попов Мос-
ква бўсағасида бўлган жанг-
ларнинг бирини кўрақига ўқ
тегиб яраланган эди. У, госпи-
талда даволаниб, тузалиб чиқ-
қан эди. Мана энди, орадан
йигирма йил ўтгач синчилаб
текшириш натижасида унга
«юрак мускулининг қатлами
ичди, ўнг ва чап қоринча ўр-
тасидаги чегарада металл пар-
часи ўраниши қолган» деб ди-
агноз қўйилди.
Профессор В. П. Радукши-
вич операция қилиб, юрак ичи-
дан уграм чамаси металл
парчан олиб ташлади. Веом
касалхонадан тузалиб чиқиб,
ўз қишлоғига жўнаб кетди. Эн-
ди у ўзини яқини ҳис қилапти.

Яхшининг ШАРОФАТИ

УРАЛЬСК. Серебрякова посёлиси-
га яқин жойда опа-сингил Люда би-
лан Клавя Кирилловлар анҳор ус-
тида яхнамак отиб, соҳиддан узок-
лашадилар. Шу пайтда фалонат
ўрб берди: муз ёрилдию, болалар
сувга тушиб кетди.

Автомашинада шу жойдан ўтиб бо-
раётган кишлок кинемеханиги Але-
ксандр Мартини бу ҳолини кўриб, дар-
ҳол ёрдамга келди. Жасур механик
соевуқ сувга гарби бўлаётган қизчалар
олдиға музга ериб бораведди. У,
кўп машаққат билан бир қизни сув-
дан олиб чиқди. Шу орада ветеринар
врачи Литовский ёрдамга келиб
нолди. Александр ўзи сувдан чиқар-
иб олган қизни унга топшириб, ик-
кинчи қизни ҳам кутказди. (ТАСС).

ЭМОННИНГ КАСОФАТИ

7 июль кечаси эди. Ҳамма ширин
уйғунда. 11 ва 8-трамвайнинг Оқдон
остановкасида бирдан қий-чўз бўлиб
қолди. Ҳар томондан одамлар тўп-
ланишиб, Бир ёш йигит қонга белани-
б ерда ётди. У эгиндига 33 ёш-
га кирган, уч боланинг отаси Ниско-
тилла Убайдуллоев экан. Уни Ниско-
тилла қиёфабини йўқотган жияни ўл-
мас Муҳитдинов пичоқлабди.
Узлмас нима учун ўз тоғасини ўр-
дирди? Рихситиланинг отасидан
хўлини қолган эди, ана шу меросни
деб жияни ўз тоғасининг жонига
назд қилди.

Илгари ёмонга ўлим йўқ дер эди-
лар. Йўқ, ҳозир ёмонга ўлим бор.
Қотил отишга ҳужм қилди.
И. МАЛИКОВ.

101 ЙИЛЛИК ЭР-ХОТИН

1845 йилда қўпон Шохбоз онаси-
да ўғил туғилиб, отини Носир қў-
йишди. Тўрт обдан нейин унинг ош-
маси Кулулнинг хотини қиз туғди.
Унинг отини Гечмак қўйишди.
Орадан ёнотган йил ўтган, уларни
унатириб, тўб қилди. Носир би-
лан Гечмак Озарбайжон ССР Тоғли
Коробог автоном области Шушин
районидagi Зарис қишлоғида 101
йилдан бери бирга яшаб келишмоқ-
да. Уларнинг 11 боласи бор.

Х. БОЗИЯН,
врач.

ТЕАТР ТОВУТДАН ТОВУШ БИР СПЕКТАКЛНИ КУРГАНДА

Яқинда Ҳамма номидаги Акаде-
мика драма театрининг янги асар
«Товутдан товущ» комедиясини
тамошабинлар эўр қилириш билан
кўриб олдилар.

«Товутдан товущ» комедияси-
нинг кўйдирувчи сатириги. Ачи-
қиқ кўлгуси порахўрликнинг фоз
етишга қаратилган. Унда Сухсу-
ров деган виждон, ор-омусини
чакага соган, порахўр бир раҳ-
бар ҳолида ва унинг қаноти ости-
да соялаган гантиқ, есингиллатиб
ва текинхўр Нетайхон билан етти
дордан қочқан, динни қалқон қи-
либ ишчиларга фақат зиён келти-
риб юрган фрибар ва муттаҳам

ган уч ниқобга — уч салбий қаҳ-
рамоннинг ҳажийн тасвирига та-
мошабиннинг кўзи тушади. Бу
тасвир орқасида дабдалаби, аммо
баҳана беватилдан ҳона. Унда
уч одам маст уйғуда: бири бура-
нгар араш ишчилари ва ромчалар
қош хонтахтаининг тағига ки-
риб кетган, бирининг фақат оёқ-
лари кўринадди, бошча бири хури-
рак отмоқда. Девор ортидаги ма-
чигдан эшитилётган сўфининг
соевуқ овози ҳам буларнинг «ора-
мин» бузомайди. Мана ичкари-
дан шовиб, атрофига аланглаб
шойи халатга ўралган гамакдор
ва таниоз жувон чиқади ва «қори

мансур бўлмасди. Ижрочиларни
мафтуҳ қилган нараса асарнинг
ҳаётийлиги, ҳажийлиги ва жанг-
варлигидир. Саъдий Табибуллоев тадқиқиди-
да Сухсуров образини олиб қар-
динг. Эпизодик ролларнинг мотуир
ижроисини бўлган бу актёр ижо-
дида сатирик образлар салмоқиди
ўзини эгаллайди. Сухсуров обра-
зи актёрларнинг шу тилдаги об-
разлари нидида энг йирини ва ету-
ғи десан илғишмайди.

Талантли артист С. Табибуллоев
ёрича ва серияда тадқиқини
воситалар билан Нусрат Сухсу-
ровнинг ифлос ички дунёсини охи-
ригача фоз этиб ташлайди. Таби-
буллоевнинг Сухсурови кўптарин
зор қақшатган. ёмон йўлга бош-
лаган ярамас шахс, учига чиққан
порахўр, хиёнаткор, амаллараст
ва фрибар одам.
Сухсуровнинг хотини Нетайхон
Икромга Волтаева ижросида меш-
чанлик ва шахсиятпарастликка
муқнасибдан кетган, тантиқ ва эр-
катой, ахлоқдан бетайин хотиндир.
Шоҳиларга бурканган бу ҳусдор
хотиннинг ахлоқи хуноқ ва зурук
экан, яъни унинг ташқи широйли
билан «кир» ички дунёси бир-бири-
га номувуфиқ қарама-қарши
эканни аққол очиб берилди. Унда
на хотинлик афроси бор, на она-
лик меҳри бор, на ҳаётда орузу-
муддаоси бор. Болтаева тирик
мурда бўлган Нетайхонини сатира
қамчиси билан ана шундай аймай
савалайди.


Орамада дум бўлиб юрган
учинчи шахс Қоридир. Қудрат Хў-
наев ижросида турган-битгани
бошдан-оёқ кўз бўямачилиги, то-
вламчилиқдан иборат бўлган бу
одам томошабинларда нафрат уй-
ғотди. Айерлик ва тубанликда
Қори Нусратиллодан ошиб туша-
ди.

Ҳақиқатда бу гал ҳам Гани
Аъзамовнинг ўзини мароқли, жо-
зибдан ва чинамак кўлиги чиқ-
қан. Биз унинг Юсуфини Сухсу-
ровнинг уйида маст ҳолда кўрар
эканмиз, милиция бўлимида эса бу
одамда қалб ва инсоф, софдиллик
ва орият борлигини, Сухсуровлар-
га унинг қони қўшилмаслигини се-
зиб оламиз, мадад ва кўмак берил-
са, у тўғри ва ҳалол йўлга туша-
олишига ишонч ҳосил қиламиз.

Лаганбардор Шобарот характе-
рини чизишда Жура Тожиёв анча
хизмат қилган.

Спектаклда колхоз механиги
Орифов, милиция капитани Дав-
ронов, дружиначи чол, Сухсуров-
нинг асрани қиз Жожар тирик
мурда бўлган бу газидаларга қар-
ши қўйилди. Ижобий қаҳрамон-
лар ролларини ижро этувчи ар-
тистлар ҳам ахши ютуқларни
кўлга киритдилар.

Юрип-туриш, ҳаракати, юзи
ва муомаласида полник, софдил-
лик ва ақл-фаросат бўлиб қолган,
бирок қалби ва ахлоқи пол, гўдан
қийлаб бегубор, истараси илқ қиз-
сифатида тасвирланди. Ижрочи
Жожари дастлабки саҳналарда
худди эзилган етимдай гавадан-
тариди: кифлган туртиб чиққан,
ҳаракатлар жўрғатмаси юзиди аю-
йилик, содалик аломатлари хум-
рон. Аммо Ойидон (артист З. Му-
ҳаммадзоновнинг тасвирида) у се-
кин-аста ўзгара борди. Охири
пердада ундаги оварлик, сиңиқ-
лик, кўрқув ўрнини жўрғат, кес-



Спектаклдан кўриниш. Не тайхон — республикада халқ артисти И. Болтаева, Шобарот — республикада хизмат кўрсатган артист Ж. Тожиёв.

Қори каби ярамас усурлар дра-
матург қаҳрига дучор бўлади.
Асарда шахсиятпарастлик ва те-
кинхўрлик боғиқарига ботиб қолган
салбий қаҳрамонлар қақшатқич
зарбага учрайди.

Комедияни ўқиган ҳар бир ки-
шида порахўрлик ва қабил қи-
ллати нисбатан газаб ортади, по-
рахўрларни, текинхўрларни фоз
этишга ва умуман, ҳаётимиздан
эсинлик саритларини сувириб
ташлаганга аҳд ва жўрғат кучая-
ди.

Ички пардада «Товутдан
товущ» деб ёзилган. Залдан дид
билан қийилган, оқ оралаган со-
чларини силқиб тараган, юзидан
дононлик ва нурунийлик ёниб
турган автор (артист О. Хўнаев)
чиқиб порахўрлар ҳақида газаблар-
ни гапирди ва тамошабинларни
текинхўрлик чангалига тушиб қол-
гани ишчиларнинг баҳарасини кў-
ришга талғиб этди. Парда кўтар-
илиб, қалб қилиб ишланган ўр-
ламчан уяси ва унга ўрғалиб қол-

ака, қори ана» деб оёқларига бош
қўйиб ётган одамни уёғотди...
Булар — кечаси билан ичиб юма-
лаб қолган Сухсуров билан унинг
улфати ва ҳамтовоғи Нетайхон
ва Қори ҳамда уларга вақтинча
қўшилиб қолган Юсуфдир.

Шундай қилиб, парда очилган
заҳотин биз режиссёр А. О. Гиз-
зуров ва А. Турдиевларнинг пьеса
хусусиятларига тўғри тушуниб,
унинг қалидини топи билганликлар-
ини кўрамиз.

Спектаклдаги декорация, жиҳоз-
лар ва буюмларни, ижрочилар гим-
ни ва кийим кечасини, нур-шў-
лаларнинг барчаси ҳам характе-
рларни очиб, асар гоҳсини ёри-
тишга қаратилганлигини, бир-бир
билан узвий ва тенг болганлигини
сезиш қийин эмас.

Режиссёр, раисом ва бошқалар
ижрочиларга яатта қўлайлик яра-
тик берганлар. Аммо жанча қўлай-
лик яратилган бўлмасин, актёр-
лар бу асарни севиб қолмаганла-
рида спектакль томошабинларга

МУХЕНИ ҚОДИРОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

„Бойвачча“ эмас, меҳнаткаш бўлинг!

КОММУНИЗМ
КИШИНИ
ТАРБИЯЛАЙДИ

Жонажон партиязимнинг коммунизм куриш Программасида жамоат бахт-саодати йўлида ҳалол меҳнат қилишга даъват этувчи «Ишлаганга тишаман» деган шор жаранглаб турган. «Партия жамиятнинг барча аъзоларида меҳнатга коммунистик муносабатни ривожлантиришни тарбиялий шнинг марказига қўяди. Жамият бахт-саодати йўлида меҳнат қилиш — ҳар бир кишининг муқаддас бурчидир» дейилади Программада.

Ҳа, Совет ҳокимияти даврида ҳалқимизнинг меҳнатга бўлган муносабати туб-томридан ўзгарди. Меҳнатимиз натижалари, кўзимиз ўнгига қўйиб берган янги-янги шахарлар, посёлкалар, кўркам масжидлар, гигант электростанциялар, темирйўллар, метрополитен куриллишлари, бутун дунёга доғи кетган совет авиацияси ва бошқаларнинг ҳақиқати ана шу олинган меҳнатнинг самарасидир. Биз меҳнатсиз яшашни ҳаётга тасаввур қила олмаيمиз. Ишлага яшамоччи бўлган кишиларга биз нафрат билан қараймиз.

Ҳалқимизнинг меҳнатга бўлган янги муносабати унинг улдузгор меҳнат галабалирида, социалистик мусобақаҳолиблари — коммунистик меҳнат бригадаларининг фаолиятларида яққол кўриш мумкин. Коммунистик меҳнат қатнашчиларининг сафи кундан-кунга ўсаяпти.

Аммо, ҳали кишилар ўртасида айрим бекорчи, дангас, техникўрлар йўқ эмас. Бундай шахсларнинг пайдо бўлмаслиги учун аввало еш бўлини меҳнатга коммунистик муносабатни тарбиялаш катта аҳамиятга эгадир.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXII съездида еш авлодининг коммунистик тарбиясида жуда катта аҳамият берилди. Бу, албатта, табиий бир ҳол эди. Съездда бир овоздан қабул қилинган КПСС Программасида белгилаган вазифаларни совет ҳалқининг фақат яққол, содақатли меҳнати билангина амалга ошириш мумкинлиги кўрсатиб берилди.

Модомики шундай экан, жамиятда яшовчи ҳар бир кимса меҳнат қилиши керак, агар меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлса меҳнатсиз яшамоччи бўлмай, у техникўр, ўғридир. Коммунистик жамиятда бундай шахсларга ҳеч қандай ўрин бўлиши мумкин эмас.

Шунинг учун коммунистик тарбиянинг энг муҳим вазифаларидан бири еш бўлини меҳнатсевар ва меҳнаткаш қилиб тарбиялашдир. Бундай тарбия фақат меҳнат процессидагина вужудга келади. Боланинг ақлий, жисмоний юксали

ши ҳам, унинг эстетик, ахлоқий тарбияси ҳам меҳнатсиз вужудга келиши мумкин эмас. Боланинг қобилият, истеъдоди ҳам меҳнатга ривожланади ва камол топади. Бизнинг жамиятимизда кишининг ўзааллиги, шон-шарафи ҳам меҳнат натижасида содир бўлади.

Н. С. Хрущёв КПСС XXII съездида қилган ҳисобот докладыда «Киши ўзининг ишлари, меҳнати билан гўзал ва шон-шарафлидир. Кишининг қобилият ва истеъдодлари ҳам меҳнатга камол топади ва кишининг мангу ҳаётлиги ҳам меҳнатга содир бўлади», деб жуда тўғри айтди.

Биз еш бўлини тарбиялаганда меҳнатнинг ҳар иккала турига, яъни ақлий меҳнатга ҳам, жисмоний меҳнатга ҳам баравар аҳамият беришимиз лозим. Ўғил-қизимизнинг меҳнатга муносабатини тўғри тарбиялашда мактаб билан бир қаторда онла ҳам катта масъулият ҳис этмоғи зарур. Чунки, болаларнинг меҳнатсевар бўлиши жуда кўп жиҳатдан онлага боғлиқдир. Меҳнатга болаларнинг муносабатлари ва бошланғич меҳнат малакаларини ҳосил қилишлари асосан онлага вужудга келади.

Ҳеч унутмаслик керакки, меҳнат бутун яшаш воситаларимизнинг манбаи бўлишидан ташқари, кишидаги кўп жиҳобий фазилятларни тарбиялаш воситаси ҳамдир. Меҳнат процессида боладо бошқа кишилар меҳнати ва меҳнаткашларни ҳурмат қилиш вазифалари пайдо бўлади.

Меҳнатга ёшлардан ўргатиладиган бола ишлармас, дангас, кўлидан ҳеч иш келмайдиган, ишдан кўнқоқ бўлиб қолади, мактаб коллективига қўшилганда болаларнинг ишини кўриб ўзини жуда ноқулай ҳис қилади.

А. С. Макаренко меҳнатнинг аҳамиятини тўғрисида «Меҳнат фақатгина иқтисодий фойдали бўлиши билан аҳамиятга эга бўлмай, у кишининг шахсий ҳаёти учун ҳам аҳамиятга эгадир. Бу кўлидан кўп иш келадиган кишиларнинг қандай шод ва бахтли яшашларини биламиз» деб ёзган эди.

Ақсинча, болани ҳаддан ташқари ерқалатиб юбориш, уларнинг яшаш учун энг яхши шароитларнинг ҳаммасини таёёр ҳолда яратиб бериш, уларни жисмоний меҳнатга тортамаслик болаларнинг ахлоқий тарбиясига ҳам жуда салбий таъсир этади, уларни худбин,

текинхўр, жисмоний меҳнатдан ор қилувчи бўлиб етишига сабабчи бўлади. Улар турли йўллар билан ўсиб бораётган маишатларини қондириш, турли қимматли кийим-босқин олиш учун ота-оналарининг энг сўнги пулларини юлқиб олишдан ҳам тўймайдиган бўлиб қолади. Булар ўзларига ўхшаган «бойваччалар» билан кўшилиб, маишаткашлик йўлига киради. Меҳнатга нафрат қўзи билан қараб, меҳнат қилувчи кишилар устидан қўладиган бўлади.

Болаларни фақатгина меҳнатга тортиш меҳнат тарбияси учун етарли бўлмайди. Чиндам билан уларни меҳнат қилишга ўргатиш, уларнинг меҳнат малакасини эгаллашларига ердм бериш, онлага ва жамият олдидаги бурчларини бажаришга ўргатиш керак. Бу билан биз болаларни ҳаётга, яъни бир фойдали меҳнатга муносабатини тўғри тарбиялаймиз. Биз шундангина улуг Ватанимизга эришамиз, коммунистик жамият тарафдорларини, бу жамиятнинг етти иншариб барпо этишда актив қатнашоладиган меҳнатсевар кишиларни тарбиялаб етказамиз, бу билан биз ҳалқимиз ва жонажон партиязимнинг ҳар бир ота-она олдида қўйган энг муҳим вазифасини шараф билан бажарамиз, меҳнаткаш инсоннинг энг юксак орузи бўлган коммунизм жамиятини барпо этишда ўз ҳиссамини қўшамиз. Коммунизм курувчилар ахлоқ кодексига айтилганидек, жамият бахт-саодати йўлида ҳалол меҳнат қиладиган кишиларни етиштиришимиз.

Ю. УМАРОВ,
педагог.

ВЦСПС ПРЕЗИДИУМИДА КОММУНИСТИК ҚУРИЛИШНИНГ ЗАРВДОР УЧАСТКАСИ

МОСКВА, 30 ноябрь. (ТАСС). ВЦСПС президиуми бугун «Қишлоқ хўжалиги йилини яқунлаштиришда ҳақда ишлар етиштириш ва харид қилиш» йўл-йўриш юзасидаги тадбирлар ишлаб чиқишда насаба союзи ташкилотларининг иштироки тўғрисидаги масалани кўриб чинди.

Қабул қилинган қарорда айтилишича, насаба союзи ташкилотлари ва территориял ишлаб чиқариш бошқармаларининг насаба союзи ташкилотчилари ўрғон Н. С. Хрущёвнинг КПСС Марказий Комитети Президиумига ёзган «Йилга яқун яеаш ҳамда галла етиштириш ва харид қилиш» йўл-йўриш тўғрисидаги маълумотдан келиб чиқадиган вазифаларни совхозларнинг ишчилари ва хизматчиларига тўшунтириш ишда актив иштирок этишлари зарур. Галла, гўшт, сўт ва деҳқончилик ва чорвачиликнинг бошқа маҳсулотларини етиштириш, кўпайтириш коммунистик қурилишнинг зардор участкаси, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг мўл-кўлланини вужудга келтириш учун курашнинг умумий муваффақияти, совет ҳалқи фаровонлигининг янада ўсиши ҳар бир кишининг шахсан қўшган ҳиссасига боғлиқ эканлигини қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ҳар бир меҳнаткашга тўшунтириш зарур.

Қарорда насаба союзи умулхалқ вазифасини — қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ҳамма тармоқларини кескин юксалтириш вазифасини ҳал этиш учун амалга оширишлари керак бўлган тадбирлар белгилаб берилди.

ОҚ ЙЎЛ, ДЎСТЛАР!

Болгария Халқ Республикаси Хасков округининг делегацияси 8 кун мобайнида Тошкентнинг меҳмони бўлди. Улар бу ерга област партия комитети ва иқтисодий комитетининг таклифи билан келишган эди. Шу вақт ичида болгар ўроқлар Тошкент ва Чирчиқнинг йирма корхоналарида, Янгйер райони «Фарход» совхози ва колхозларида, маданий муассасаларда, қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш институтида бўлибди.

30 ноябрь куни кечкурун област партия комитети ва област иқтисодий комитети болгариялик дўстларимиз шарафига қабул маросими ўтказди. Кепада сўзга чиққан делегация раҳбари — Хасков округи халқ кенгашининг раиси Г. Корсанов област меҳнаткашларига қизғин ва дўстона кутиб олганилари учун ташаккур изҳор қилди.

Област партия комитетининг биринчи секретари М. А. Абдуразақов меҳмонларни кўтайдди. У Болгария ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик қўндалгани мустаҳкамлашишга, дўст Болгариядан меҳмонларнинг тез-тез келиб туришига истақ билдирди.

Кеча ерталаб болгариялик меҳмонлар ўз Ватанларига жўнаб кетдилар.

ИШЧИ МУХБИРЛАР УНИВЕРСИТЕТИДА

Яқинда Ўзбекистон ССР Журналистлар союзи ҳузуридаги ишчи мухбирлар университетига иккинчи ўқув йили бошланди. Ўзбекистон наشريятнинг қизил бурчатида бўлган биринчи машғулотда «Адабий таҳрир» деган темада лекция ўқилди.

Ишчи мухбирлар янги ўқув йилида лекция тингилар билан бирга КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми материалларини ўрганидилар. Практик машғулотлар олиб бордилар, саёноат корхоналари, қурилишлар ва савдо шохобчаларига рейдлар ўтказдилар.

Р. ИСМАТУЛЛАЕВ,
А. МИРЗААХМЕДОВ.



Булар Ўзбекистонда биринчи ташкил қилинган Скобелев ко мандаси футболчилари. 1913 йилда олинган суратдан Д. Шchedринский фотопропагандаси.

БИРИНЧИ ТҮП ТЕПГАНЛАР

ФУТБОЛ ТАРИХИДАН

1925 йилда Тошкентда «Профинтерн», «Металлист», «КИМ» ва бошқа футбол клублари пайдо бўлди.

1928 йилда Ўзбекистон спорт делегацияси биринчи Бутуниттифоқ спартакиадаида қатнашши учун Москвага жўнади. Делегация составида футболчилар ҳам бор эди. Ўзбек спортчилари Закавказье командаси билан 2:2 ҳисобида дуранг қилдилар ва Швейцарияни 8:4 ҳисоби билан ютдилар. Газеталар ўзбек футболчиларининг ўйинига юқори баҳо берган эди.

1931 йил 4 октябрда Тошкентда биринчи халқаро учрашув ўтказилди. Тошкент терма командаси Норвегиянинг ишчилар командаси футболчиларини қабул қилдилар. Ўйин 4:2 ҳисобида ҳамшаҳарларимиз фойдасига ҳал бўлди. Бир йил ўтгач, пойтахтимизга Германия футболчилари меҳмон бўлиб келишди. Бу сафар ҳам бизнинг терма командамиз ушшоқлиқ билан ўйнаб, немисларни 2:4 ҳисобида мағлубиятга учратди.

СССР Министрлар Советининг 1936 йилда кўнгилли спорт жамиятлари ташкил қилиш ҳақида чиқарган қарори катта аҳамиятга эга бўлди. Футболнинг бой тарихи «Спартак», «Локомотив» ва бошқа командалар номи билан боғлангандир.

Улуг Ватан уруши бошлангач минглаб футболчиларимиз фронтга отландилар ва қўлга қўриқ олиб Ватан ҳимоясида қатнашдилар. Уруш тамом бўлгач, футболнинг яна оммавий ривожланиши бошланди. Минглаб ёшлар командлари ва секцияларга қабул қилиндилар. Тошкентнинг 3 та командаси «Б» класс бўлини СССР чемпионатида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлди. «Динамо» ва «Спартак» командалари бу чемпионатда унча муваффақиятга эришолмаган бўлсалар ҳам Тошкентнинг ОДО футболчилари ўзбек футбол тарихида ёрқин эш қолдирилди. Улар Кўрелли кучлар чемпиони бўлдилар.

1956 йилдан «Пахтакор» футбол майдонига тикилди. Ўзбек футболнинг энг яхши муваффақиятлари ана шу ном билан боғлангандир. 1960 йилда командасида старший тренер

А. Келдер келгач, пахтакорчилар «А» классига ўйнай бошладилар. Команда биринчи йили 14, иккинчи йили 10 ва бу йил 6-ўринни эгалладилар. Оммавий футболимизга ҳам муваффақиятларга эришавтир. «Сокол» командасининг ажоиб галабаси бунинг ёрқин мисолидир.

Ишчиболарни хурсанд қиладиган футболчиларимизга янада янги муваффақиятлар тилаймиз.

А. БРОНШТЕЙН,
Ўзбекистон футбол федерацияси футболни пропаганда қилиш комиссияси аъзоси.



2 ДЕНАБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 12.00 — Физкультура билан шугулланиш, 12.20 — Инглиз тили дарси, 13.00 — Пахта бизнинг бойлигимиз (мактаб ўқувчилари учун).

Рус тилида: 13.20 — Ўйинчоқлар нима дейди (телевизион очерки), 13.40 — Ботқон илчи номи бадий фильм, 14.00 — Вартан Тонян ҳақида кино, 14.40 — Пахта далаида дарахлар ва Телевизион янгиликлар, 14.55 — Березна (кинофильм), 19.15 Эълмира Уразбаева кўйлади, 19.40 — Менинг қувончим номи киноповест.

Ўзбек тилида: 20.45 — Қон ампуласи, 131-опера (телевизион очерки), 21.0. — Пахта далаида дарахлар ва Телевизион янгиликлар, 21.20 — Даладаги барча ҳолисини йиғиб-териб олайин дегаш оштинтириш ва концерт (пахткаорлар учун).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.45 — Совет плакатлари, 19.05 — Ола-сингилари номи бадий фильм («Сарсон-сарғардонликда» романининг биринчи серияси).

Рус тилида: 20.45 — Математик Лобачевский (мактаб ўқувчилари учун), 21.05 — Қарда-Балкар ёрқинлари (хўжақатли фильм).

ДИССЕРТАЦИЯ ЕҚЛАЙДИЛАР

1962 йил 12 декабрь кундуз совет 2 да, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг илмий совети мажлисида (Навоий кўчаси, 55-а уй, илтимойй фанлар институтиларининг конференция зал)

Ф. Шоусулова фалсафа фанлари нандидати деган илмий даражини олиш учун: «XX аср бошларида (1905-1917 йиллар) Ўзбекистонда прогрессив илтимойй-сиёсий фикр» деган темада.

Диссертация билан Фанлар академияси кўтувонасида танишиш мумкин (А. Тўхтов кўчаси, 1-уй).

В. И. Дулова химия фанлари доктори деган илмий даражини олиш учун: «Кислородли эритувчиларнинг кинетика кучига дифференциал таъсир» деган темада.

Диссертация билан университет кутуьонасида танишиш мумкин (Кўйишев кўчаси, 10-уй).

Редактор М. ҚОРНЕВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

(«Ташкентская правда») — орган Ташкентской обкома ва горкома Коммунистической партии Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОHLAP: Редактор — 29004, редактор ўрибосари — 25885. Партия турмуши бўлими — 26232. Пропаганда ва совет курилиши бўлими — 28761. Қишлоқ хўжалиги ва маҳаллий ахборот бўлими — 29040. Адабиёт ва санъат, маданият санъати ва транспорт бўлими — 33786. Секретариат — 34088. Хатлар бўлими — 31936. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутатор — 26334, 33262, 30249, 30250, 30253.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон Сурх» бирлашган наشريятнинг босмаховаси. Тапр. Р. 1735.

РЕДАКЦИЯГА ХАТЛАР

Қаровсиз клуб

Оқангарон районидидаги 2-«Оқангарон» совхозига қарашли Телов посёлкисида бир клуб бор. Ўш вақтларда курувчилар шу клубни ақлолчи маданий хизмат кўрсатиш учун зарур бўлар деган умидда куришган эди. Лекин клуб битганидан бери унга дурустроқ жоёқ ҳам битмади.

Меҳнатнинг аҳолиси бу клубга кириб бирор маросим ҳам ўтказмади. Хозир клубнинг ҳоли жуда хароб. Унинг дераза рамлари синиб кетган, сувқоклар тушиб кетган. Яқинда посёлка Совети клубга муадр тайинлади. 38 сўм маош ҳам белгилади. Лекин клуб мудири ўрғон А. Хожичулова посёлка Советига кириб:

— Клубни очайлик. Бунинг учун жиҳазлар сотиб олиш, клубни ремонт қилиш керак... деган талабларни қўйди. Аммо талаб амалга ошмади.

Район маданият бўлими ҳам

клубнинг ҳолидан хабардор. Лекин уни тузатиш учун ҳеч қандай чора кўрмаптир.

Х. КАРИМОВ.

Доридай зарур

Маълумки, мактабларда ўқувчиларни турли насаба ўргатадиган ишлаб чиқариш дарси ўтилмоқда. Бировлар дурадоғор, бировлар шофер, слесарь бўлишни истайдилар. Ана шу мутахассисликлар бўйича дарслиқлар бўлиши керак албатта. Тўғри, бундай дарслиқларнинг рус тилида нашр этилган йўқ. Дарслиқ ўзбек тилида олиб бориладиган мактаб ўқувчилари рус тилидаги дарслиқлардан тўла фойдалана олмайдилар. Ўзбекистон ССР ўқув педагогика наشريяти ўқувчиларнинг талабини эътиборга олиб ишлаб-чиқариш дарслигини ўзбек тилида нашр қилиниши ҳақида ўйлаб кўрса бўлади.

М. МИНГБОВЕВ.


ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛАДИ



ПОРАХҲ:— Э, бу ердаги ўзимизнинг ошна-ку, ташини қилиб юрибмиз...



ИҲЛОВЧИ:— Бу қўллардан майда қайтши амри-маҳол қуринадиёв?!



ВРАЧ:— Чекасиз ҳам-ми? БЕМОР:— Минг афсуски, чекамай.

ВРАЧ:— Олинг бўлмаса, биттадан тутатайлик.

А. Ҳолиқов чизган расмлар.

КАПИТАЛИЗМ ИЛЛАТЛАРИ

ЎЗИНГДАН ЧИҚҚАН БАЛОГА...

«Фирмаччи, бизнинг иқтисодий болойимиз чет эл капитализмининг кўпчилиги ва Канаданинг қоманиси қайта ишлаш санъати устидан хорижийлар назорат қилиб туришлар Гап шунданки, хорижийлар бошчилигида санъат ҳеч қандай Канаданинг фаровонлигини уялмайдилар, зотан буни ундан куттиш ҳам қийин».

ШУРИ ҚУРИГАНЛАР

«Қариялар фожияси консерваторларнинг «фаровон жамият» ҳақидаги тамторқ гапларида кўчмади кетиб, Англиянинг ички сирли бўлиб қолаёттир... Яқинда ҳисоблаб чиқилишича, англиялик қариялардан 2.5 миллион киши оч-наҳор яшамочка экан».

Жонни Фостер, левборист.

ЙИГИРМА ҚАМЧИ

Ўттиққаз ёшли Кэнони деган йигитни «қасамини бузгани учун» қамчи билан йигирма марта сазалашга ҳукм қилинди. Суднинг бу ҳукми қандайдир ярим-феодал Шарқ мамлакатларида эмас, балки ўз тараққиёти ва озодлиги ҳақида жар солаётган Америка Қўшма Штатларида чиқарилиди. Делавар штатидаги олий йилчи фамилиялиқ судья бу ҳукмининг чинарар экан, штат қонунлари асосида иш курабатиини айтди. Ҳа, АҚШ қонунлари... фанат қорозагина оқил ва демократик.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

4-БЕТ, 2 ДЕНАБАР, 1962 ЙИЛ.

Дунёнинг бир Кунини

А. И. МИКОЯН Ж. КЕННЕДИ БИЛАН УЧРАШДИ

ВАШИНГТОН, 30 ноябрь. (ТАСС). Кеча Оқ уйда СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. И. Микоян Қўшма Штатлар президенти Ж. Кеннеди билан учрашди.

Учрашувда совет томонидан СССРнинг АҚШ даги элчиси А. Ф. Добрынин, Америка томонидан — давлат секретари Д. Раск ва давлат секретарининг махусус ердмачиси Л. Томпсон қўнир бўлидилар. Учрашув 3 соату 15 минут давом этди.

Учрашув тамом бўлгандан кейин А. И. Микоян Америка ва чет эл матбуоти, радио ва

телевидениесининг Оқ уйда тўпланган жуда кўп мухбирларига қуйидаги баёнотни берди: «Биз ҳар иккала мамлакатимизни ўзаро қизиқтириётган масалалар устида, асосан Куба масаласи устида президент Кеннеди билан фикрлашиб олдик. Совет ҳукумати Нью-Йоркдаги ўз вакилларида, президент ҳам Нью-Йоркдаги ўз вакилларида Қариб районидида аҳолини бартаф қилиши охирига еткани тўғрисида музокараларини давом эттиришлари ҳақида тегишли йўл-йўриқлар берди, деб президент билан ахдлашдик».

БИЛАСИЗМИ?

Киши организмнинг тақминан 65 проценти, жонвориник 80—85, баъзи 80, сув ўсимликларининг 95—99, ердаги кўнжалар танасининг 50—75 проценти сувдан иборат.

Денгиз сувининг бир куб метрида 0,008 миллиграмм олтин бўлади. Бу иккинчи зарра албатта. Агар жаҳондаги океан запасларини ҳисоблаб кўрмаса, унда тўрт томони 800 метрдан келадиган баландлиқдаги олтин олиш мумкин бўлган 10 миллион тонна қимматли металл суяқини қолдириш мумкин.

ЯНА У ТАН САЙЛАНДИ

НЬЮ-ЙОРК, 1 декабрь. (ТАСС). Кеча Ўзбекистон Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси У Танин 1966 йил 4 ноябргача Ўзбекистон Миллатлар Ташкилотининг Бош секретари қилиб сайланди.

ШАРМАНДАЛИ СУД

ГАРБИЙ БЕРЛИН, 29 ноябрь. (ТАСС). Гарбий Германия федерал маъмурий судининг гаъри қонуний равишда Гарбий Берлинда ўтказаетган мажлисида бугун Гарбий Германияда нацизм вақтида таъқиб қилинган кишилар бирлашмасига қарши суд бошланди. Бонн ҳукумат маъмурилари Гарбий Германия антифашистларнинг ташкилотини таъқиқлаш мақсадида бу судни ўтказмоқдалар.

ШТРАУС КЕТАДИ

БОНН, 30 ноябрь. (ТАСС). ДПА агентлигининг хабар беришича, Германия Федератив Республикасининг муҳофа министри Штраус бугун Мюнхенда Христиан-Социал иттифоқи партияси правленийининг мажлисида ўзининг янги Гарбий герман ҳукуматида министрлик лавозимидан воз кечишини айтган. Штраус Христиан-Социал иттифоқи правленийининг тўрт соат давом этган мажлисида кейин бу баёнотни берди.

Газета область қишлоқ хўжалиги, санъати, курилиши, фан ва маданияти санъати ва адабиётини ҳақида мақолалар, хушхабарлар бериб боради. Унинг саҳифаларида кино ва очерклар, кўшиқ ва шеърлар, репортаж ва ахваллар, фельетон ва хажвалар ўқийди.

Обуна баҳоси: бир ойга — 44 тиш, уч ойга — 1 сўм 32 тиш, 6 ойга — 2 сўм 64 тиш, 12 ойга — 5 сўм 28 тиш.

Обуна — «Союзпечать» бўлимлари, алоқа бўлимлари ва контораларида, шунингдек корхона ҳамда муассасалардаги жамоатчи вакиллар, шаҳар ва қишлоқ почтабонлари томонидан қабул қилинади.